

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрда Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 50 834,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 8,2 % га ўсди.

2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 20 073,7 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 6,0 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг қўшган ҳиссаси 14,0 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-сентябрига нисбатан % да
	2018 йил январь-сентябрь	2019 йил январь-сентябрь	
<b>I. ЯҲМ, жами</b>	<b>39 432,5</b>	<b>50 834,6</b>	<b>108,2</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	35 482,0	44 177,0	108,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	3 950,5	6 657,6	108,2
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>35 482,0</b>	<b>44 177,0</b>	<b>108,2</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	15 192,1	19 644,2	112,6
саноат	11 771,5	14 657,1	107,0
қурилиш	3 420,6	4 987,1	132,0
Хизматлар	20 289,9	24 532,8	105,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6 485,3	7 669,4	104,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	5 571,9	6 201,2	105,6
бошқа хизматлар	8 232,7	10 662,2	105,1

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш суръати – 107,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши- 33,2 %), қурилиш – 132,0 % (11,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,3 % (17,4 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,6 % (14,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,1 % (24,1 %) ни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-сентябрида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




*иқтисодий фаолият турлари*

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 86,9 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 13,1 % ини ташкил этди.


ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибида саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоқ улуши 44,5 % (2018 йил январь-сентябрда 42,8 %) ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7% га ўсиш кузатилди. ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши эса 55,5 % (57,2 %) ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 % га камайган.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

2018 йил январь-сентябрь



2019 йил январь-сентябрь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 17,4 % ни (2018 йил январь-сентябрда 18,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 14,0 % ни (15,7 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 24,1 % ни (23,2 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил январь-сентябрь**

**2019 йил январь-сентябрь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул: А.Ибрагимов  
Тел: (0371) 230-88-08